



ҲАР БИР КЕЧИККАН ЙИЛ ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИ 10 ЙИЛ ОРҚАГА ТОРТАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 11 май куни рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан жорий йил "Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш орқали деб ёллон қилинди. Президентимизнинг Олий Мажлисига шу йил январда йўллаган Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган эди. Рақамли технологияларнинг нақадар муҳимлигини бугунги пандемия шароити ҳам яна бир бор исботлади. Таълим, давлат хизматлари, давлат бошқаруви тизими, савдо ва хизмат кўрсатишнинг ҳаммаси рақамли иқтисодиёт билан боғлиқ экани аққол кўриниб қолди. Йиллар давомида масофадан кўрсатилмаган хизматлар санокли кунларда онлайн шаклга ўтказилди.

Экспертларнинг фикрича, келгуси 3 йилда иқтисодиётни рақамлаштириш орқали дунёдаги 22 фоиз иш ўринлари интернет технологиялари ёрдамида яратилади. Шу боис, жорий йил 28 апрелда "Рақамли иқтисодиёт ва электрон ҳукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди. Ҳужжатта мувофиқ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида рақамли иқтисодиёт билан шугулланадиган яхлит тизим яратилди. Жумладан, "Электрон ҳукумат", иқтисодиёт тармоқлари ва қишлоқ ҳўжалигини рақамлаштириш, IT парклар ташкил этиш ва уларни бошқариш каби вазифалар тўлиқ вазирлик ваколатига ўтди.

Шу билан бирга, қарорда янги лойиҳаларнинг молиявий манбалари ҳам аниқ кўрсатилган. "Электрон ҳукумат" доирасида 1,3 триллион сўмлик 104 та лойиҳа, иқтисодиёт-

нинг реал секторига 5,3 триллион сўмлик 87 та лойиҳа, телекоммуникациялар борасида 15,1 триллион сўмлик 35 та, аграр соҳада 24 та, IT парклар бўйича 18 та лойиҳа амалга оширилиши белгиланган.

Йиғилишда Шавкат Мирзиёев бу ишларни келгуси 2-3 йилда тўлиқ амалга оширмасак, ҳар бир кечиккан йилимиз мамлакатимизни 10 йил орқага тортади, деб таъкидлади.

Хизматларни рақамлаштириш борасидаги ҳозирги аҳвол таҳлил қилинди. Қайд этилганидек, давлат идораларида мавжуд 700 дан ортиқ ахборот тизимларининг атиги 300 фоизи "Электрон ҳукумат" тизимига уланган. Давлат хизмати кўрсатувчи 80 та идоранинг атиги 27 таси Давлат хизматлари агентлигига интеграция қилинган.

Президентимиз вазирлик ва идораларда ахборот технологияларини қўллаш даражасига қараб ундаги раҳбарларнинг ойлик мукофот пулини ошириш ёки камайтириш тизимини йўлга қўйиш бўйича топшириқ берди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига давлат идоралари маълумотлар базасини таснифлаб, уларни идоралараро интеграцион платформага улаш, электрон ҳамкорликнинг ягона технологик талабларини жорий қилиш вазифаси қўйилди.

Пандемия таъсирини инобатга олиб, энг зарур бўлган давлат хизматларини тезкор равишда электрон шаклга ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Тошкент шаҳрида электрон тиббиёт каттаси, электрон шифохона ҳамда шошлиқнинг тиббий ёрдам тизимларини жорий этиш, ижтимоий нафақалар ҳисобини юритишга мўлжалланган "Ижтимоий ҳимоя ягона

реестри"ни жорий йил якунига қадар ишга тушириш бўйича топшириқ берилди.

Давлат солиқ қўмитасига савдо ва хизмат кўрсатиш объектларини онлайн назорат касса машиналарига ўтказиш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини маркировка қилиш ҳамда электрон ҳисоб-фактура тизимини жорий этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Келгуси беш йилда sanoat корхоналарида ахборот технологияларини кенг жорий этиш ҳисобига таннархни ўртача 13-15 фоизга пасайтириш мумкин.

Транспорт вазирлигига темир йўлларда юк ташиш ҳамда Тошкент шаҳрида жомат транспорт хизматлари тўлови учун автоматлашган тизимларни ишга тушириш, барча транспортларга ягона электрон билет жорий этишни тезлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Йиғилишда ахборот технологиялари инфратузилмасини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жаҳон банки ҳисоботига кўра, кенг полсалли интернет тармоғига 10 фоиз кенгайтириш эвазига янги ички маҳсулотни камиди 1 фоиз устириш мумкин.

Жорий йилда оптик толали алоқа қамровини мактабга таълим тизимида 41 фоиздан 100 фоизга, халқ таълимида 40 фоиздан 70 фоизга, соғлиқни сақлаш соҳасида 38 фоиздан 100 фоизга етказиш вазифаси белгиланган. Бу қўллаб қўллашнинг интернет тармоғига улаш имконини беради. Шу боис, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига ижтимоий объектларни юқори тезликдаги интернет билан таъминлаш, тезкор мобил интернет қамровини йил якунига қадар 90 фоизга етказиш вазифаси қўйилди.

Бугунги кунда мавжуд серверлар тўли бораётгани, соҳадаги 300 дан ортиқ лойиҳани амалга ошириш учун 10 баробар

кўп қувватли серверлар зарурлиги қайд этилди. Ахборотларни қайта ишлайдиган марказларни кўпайтириш, хорижий кредитлар жалб этиб, лойиҳа қиймати 30 миллион долларлик "дата центр" қуриш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ахборот технологиялари қишлоқ ҳўжалиги, ерни ҳисобга олиш ва мониторинг қилишда ҳам жуда қўл келади. Масалан, ерни космик зондлаш орқали экин майдонлари, вегетация жараёни, ернинг мелиоратив ҳолати ва минераллашув миқдорини ўрганиш мумкин. Бу агротехник тадбирларни аниқ белгиллаб, ҳосилдорликни 25-30 фоизга ошириш имконини беради.

Мутасаддиларга ер майдони ва сув ҳисобини юритишнинг электрон тизимларини ишлаб чиқиш, қишлоқ ҳўжалигида экинларни жойлаштиришдан тортиб, сотувга бўлган жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш бўйича топшириқлар берилди.

Юртимизда ахборот технологиялари соҳасида 60 минг киши меҳнат қилмоқда. Йиғилишда бу етарли эмаслиги таъкидланди, соҳа мутахассисларини қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Давлат ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга, энг аввало, маҳаллий технопарклар резидентларини жалб қилиш бўйича вазифалар белгиланди.

Келаси ўқу йилида "1 миллион дастури" лойиҳасига 47 минг нафар ўқувчини қамраб олиш, соҳага замин яратиш учун мактабларда 7-синфдан бошлаб дастурлаш асосларини ўқитишни йўлга қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда мутасаддилар соҳадаги чора-тадбирлар ижроси юзасидан ҳисобот берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ҲУДУДЛАРИНИ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШГА ИХТИСОСЛАШТИРИШ БўЙИЧА ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Сўнги йилларда озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ҳўжалигини кўпайтириш орқали ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш ҳамда мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида экин майдонлари сезиларли даражада кенгайтирилди. Шунингдек, туманларни мева-сабзавотчиликка ихтисослаштириш, маҳсулот етиштирувчиларни мева-сабзавотчилик кластерлари ҳамда кооперацияларга бирлаштириш каби амалий чоралар кўрилмоқда.

Жаҳон бозорлари талабларига жавоб бера оладиган рақобатбардор қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини етиштиришда ҳудудларни ихтисослаштириш тўғри йўл эканлигини кўрсатмоқда.

Шу сабабли, дастлабки босқичда республика бўйича 55 та туман мева-сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Бирок, ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар, кўрилаётган чора-тадбирларга қарама-қарши ҳудудларнинг аҳолисида савдо-саноат маҳсулотларини етиштириш;

Қишлоқ ҳўжалигини диверсификация қилиш, туманлар ҳудудларини тупроқ-иқлим шароитларига мос боғдорчилик, узумчилик, сабзавот-полиэтилик, картошкачилик ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини етиштиришга ихтисослаштириш орқали ички ва ташқи бозор талабларига жавоб берадиган рақобатбардор маҳсулотлар етиштиришни кўпайтириш ҳамда илм-фан янгиликларини кенг жорий этиш ва маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашириш:

республика ҳудудларини **босқичма-босқич** қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг мўайян турларини етиштиришга ихтисослаштириш;

▶ Давоми 2-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ТўРТИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ Тўғрисида АХБОРОТ

2020 йил 11 май куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тўртинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ушбу ялпи мажлиси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат аъзолари томонидан 20 та масала, шу жумладан, 10 та қонун кўриб чиқилган ялпи мажлис иши Олий Мажлиси Сенатининг веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалари орқали ҳамда "Узрпорт" телеканалда тўғридан-тўғри намоиш этилди.

Дастлаб сенаторлар "Саломатлик" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги ҳамда "Соғлом турмуш" медалини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини муҳокама этишди.

Дунё мўқсисда коронавир пандемияси давом этаётган бир вақтда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида тезкор ва муҳим чоралар амалга оширилиб, фидойи шифокорлар, ички ишлар ва Миллий гвардия ходимлари, саховатпеша инсонлар, карантин шароитида халқимиз матонати билан пандемияни жойлашга муваффақ бўлинмоқда. Шу муносабат билан "Саломатлик" орденини таъсис этишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Ушбу орден икки даражадан иборат бўлиб, I даражада "Саломатлик" ордени билан тиббиёт соҳасини ривожлантириш, замонавий талаблар асосида тақомиллаштириш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ишларига муносиб хисса қўшганлар тақдирланади. II даражада орден билан эса аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, турли касалликларнинг барвақт олдини олиш ва баргараф этишда фаол иштирок этган шахслар мукофотланади.

Худди шунингдек, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, шахсий гигиена қоидаларига риоя қилишни кенг тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва бадан-тарбияни кундалик турмуш тарзига айлантириш, жамоатчиликка шахсий намуна бўлаётган ҳамкорларимиз хизматларини эътироф этиш мақсадида "Соғлом турмуш" медални таъсис этилмоқда.

"Саломатлик" ордени ҳамда "Соғлом турмуш" медални билан чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тақдирланиши мумкин.

Мазкур қонунлар сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шундан сўнг Сенат аъзолари "Фахрий мураббий" орденини таъсис этиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини

қўриб чиқди. Ушбу қонунга илова сифатида "Фахрий мураббий" ордени тўғрисида низом ҳамда орденининг тавсифи тасдиқланган.

Низомга кўра "Фахрий мураббий" ордени билан ёшларни она Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёш истеъдод эгалларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг билан ва қобилиятларини янада ривожлантиришга муносиб хисса қўшган юртдошларимиз тақдирланади.

Қолаверса, мазкур орден билан ўзининг чўқур билим ва бой ҳаётий тажрибаси билан ёшлар маънавиятини юксалтириш ва аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида шахсий намуна қўрсатиб келаётган, давлат ва жамият олдидаги юксак хизматлари билан алоҳида эътибор қозongan Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам мукофотланиши мумкин. Сенат аъзолари ушбу қонунни маъқуллади.

Парламент юқори палатаси аъзолари тўртинчи ялпи мажлис доирасида "2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунини кўриб чиқиди.

Мазкур қонун Президентимизнинг "Коронавир пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ҳамда "Коронавир пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ қабул қилинган.

Қонуннинг қабул қилиниши коронавир пандемияси ва глобал инқироз даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва устувор йўналишларини инобатга олган ҳолда харажатларни оптималлаштириш мақсадларига хизмат қилади.

Фармонга мувофиқ Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилганлиги муносабати билан республика бюджетидан ажратилмаган маблағларнинг чегараланган миқдорларига ўзгаришлар киритилиб, қонуннинг 5-илловаси янги таҳрирда берилмоқда.

▶ Давоми 4-бетда

ЯХШИЛАР ЁДИ ҲЕЧ ҚАЧОН УНУТИЛМАЙДИ (Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги тантаналари таассуроти)



Акmal САИДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари

9 май куни мамлакатимизда Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги кенг нишонланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев пойтахтимизда ўтказилган байрам тадбирларида иштирок этди. Давлатимиз раҳбари ушбу шонли сана муносабати билан барпо этилган Ғалаба боғига ташриф буюрди ва дастлаб «Матонат мадҳияси» ёдгорлик мажмуасига гулчамбар қўйди. «Шон-шараф» музейини бориб кўрди.

Президентимиз Ғалаба боғининг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзди. Боғда кўргазмага қўйилган Иккинчи жаҳон уруши давридаги композициялар инсталляцияси, жумладан, темир йўл вокзали, оқоллар, ҳарбий техникалар, қурол-аслаҳаларни кўздан кечириди.

Ғалаба боғидаги амфитеатрда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди.

БУ ГАЛГИ БАЙРАМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Ана шу тантанали тадбирларда бевосита иштирок этиш асносида, бу галги байрамнинг олдинги йиллардагидан фарқли ва ўзига хос жиҳатлари эътиборини тортиди. Фирқимча, жорий йилдаги Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Ғалаба байрамининг қуйидаги хусусиятлари, айниқса, алоҳида аҳамиятга эга.

Биринчидан, байрам тадбирлари биринчи марта азим пойтахтимизнинг Хотира майдонида эмас, балки Буюк Ғалабанинг 75 йиллиги шарафига бунёд этилган янги музаасан маскан — Ғалаба боғида бўлиб ўтди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, "бу бетақорр мажмуа қаҳрамон халқимизга муносиб бўлиб, ҳам меъморий жиҳатдан, ҳам тарихий-маънавий жиҳатдан гоят ноёб ва маҳобатли обида бўлиб қад ростлади".

Мамлакатимиз раҳбари бундан роппа-роса бир йил муқаддам Тошкент шаҳрида муқташам Ғалаба боғини барпо этиш ташаббусини илгари сурган эди. Қисқа муддатда 12 гектарлик улкан майдонга жуда катта ҳажмдаги қурилиш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди.

Айтиш кераки, бу улкан мажмуани қисқа вақт ичида, айниқса, карантин шароитида якунлаш осон бўлгани йўқ. Лекин, барча қийинчиликларга қарамадан, моҳир курувчи ва меъморлар, муҳандислар, турли соҳа мутахассислари, рассом ва ҳайкалтарошлар, азамат ёшларимиз бу вазифани ўзлари учун савобли бир иш деб билиб, туну кун фидокорона меҳнат қилдилар.

Халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти билан ушбу бетақорр мажмуани бунёд этишдек эзгу ташаббус замирида Ўзбекистон халқининг жанг майдонларида ва фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига ҳаққоний муҳрлаш, ёш авлодларимизни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсади муҳимасам. Бундай улғувор мақсадини рўёбга чиқариш учун айнан Президентимиз ғалаба боғининг ташаббускори, муаллифи ва бош бунёдкори бўлиб майдонга чиққан таҳсинга сазовор.

Иккинчидан, байрам арафасида нафақат улғувор бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, балки Президентимизнинг топшириқлари асосида Ўзбекистон халқининг ғалабага қўшган хиссаси янада чуқурроқ ўрганилди, янги ва муҳим маълумотлар аниқланди. Илгари ёпиқ бўлган тарихий фактлар, чет эллардаги архив ҳужжатлари, музейлардаги экспонатлар ва қаҳрамон аждодларимиз ҳақидаги янги далиллар мазкур ҳулосаларга асос бўлди. Биргина мисол: шу вақтга қадар Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистондан 1 миллион 500

мингга яқин киши иштирок этган, деб ҳисобланар эди. Янги топишган маълумотларга кўра, 1 миллион 951 мингга яқин киши урушга сафарбар этилгани аниқланди. Шунингдек, 200 мингдан зиёд аскар ва офицерларимиз жанговар давлат муқофотлари билан тақдирлангани ҳужжатлар орқали ўз тасдиғини топди.

Учинчидан, юртдошларимизнинг фронт ортида кўрсатган бекиёс жасорати ва матонати чуқур ўрганилди. Бинобарин, ўшанда юртимизда қолган аёллар, кексалар, ёш болалар ҳам чинакам қаҳрамонлик кўрсатдилар. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган барча одам ҳаловатдан воз кечиб, тинимсиз меҳнат қилган. Республикаимиздан жанг майдонларига самолёт ва танклар, қурол-яроғ, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб турилган.

Тўртинчидан, янги аниқланган маълумотларга кўра, ўша оловли йилларда минглаб уруш қатнашчилари Ўзбекистонда ташкил этилган ҳарбий госпиталларда довланган. Уруш ўчоғига айланган ўлкалардан юртимизга 1 миллион 500 минг киши, жумладан, 250 мингдан зиёд бола эвакуация қилинган. Халқимиз уларга ўз уйдан жой бериб, сўнги бурда нонини ҳам баҳам кўрган.

Бешинчидан, коронавир пандемияси билан боғлиқ эпидемиологик вазиятдан келиб чиққан ҳолда, Ғалаба боғидаги амфитеатрда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган байрам тадбири видеоконференцалоқа шаклида ўтказилди. Расмий маросимда онлайн тарзда иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ҳарбий хизматчилар жам бўлди.

Президентимиз Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги билан барча фахрийларни, бутун халқимизни қизгин табриқлади. Тадбир Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказлари, ҳарбий округлардаги байрам иштирокчиларига намойиш қилинди. Давлатимиз раҳбари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси Раиси, Андижон, Бухоро, Сирдарё вилоятлари ҳокимлари билан видеоалоқа тизими орқали мулоқот қилди.

Мамлакатимиз раҳбари байрам тадбирига келган уруш ва меҳнат фахрийларининг ҳар бири билан саломлашиб, ҳол-аҳвол сўради. Уларга сихат-саломатлик, узок умр тилади. Нурунийлар юртимизга тинчлик-оқоийшталлик, элимизга фаровонлик тилаб дуолар қилди.

▶ Давоми 3-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

РЕСПУБЛИКА ХУДУДЛАРИНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЕТИШТИРИШГА
ИХТИСОСЛАШТИРИШ БЎЙИЧА ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Бошланғичи 1-бетда

республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг муйайн турларига ихтисослаштириш ишларини самарали ташкил этиш мақсадида эксперимент тариқасида 2020-2022 йиллар давомида Жиззах вилоятининг жами 116,3 минг гектар қўшимча ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйдагилар:
Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларини 2020-2022 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ;

Жиззах вилояти айрим ҳудудларини 2020-2022 йилларда сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона хўжалиқларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари 2-иловага мувофиқ;

Жиззах вилояти айрим ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштиришда 2020-2022 йиллар давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича "Йўл харитаси" 3-иловага мувофиқ;

Республика ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштириш бўйича ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда — Ишчи гуруҳ) таркиби 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жиззах вилояти ҳокимлиги ва Ишчи гуруҳ (Ў.Барноев):

а) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ҳудудларни ихтисослаштириш кўрсаткичлари ва "Йўл харитаси" да белгиланган топшириқларнинг самарали ва ўз вақтида ижро этилишини таъминласин ҳамда натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда маълумот киритиб бурсин;

б) туман ҳокимликлари ҳамда халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгашлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ҳудудларнинг ер майдонлари ихтисослашувидан келиб чиқиб, ушбу ер майдонларини устувор равишда рақобатбардор қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш, сақлаш, қайта ишлаш ва экспорт қилиш жараёнини ҳамда инновацион ва ресурстежамкор технологияларни қўллашни ўз ичига олган агрокластерларни ташкил этувчи салоҳиятли ташаббускорлар, фермер хўжалиқлари ва бошқа субъектларга қишлоқ хўжалиги мақсадлари учун танлов асосида ажратиш чораларини кўрсин;

в) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия,

картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда:

ихтисослаштирилаётган ҳудудларда яхлитликка жиддий эътибор қаратган ҳолда тегишли қишлоқ хўжалиги экинларининг турларига қараб плантация шаклида экспортбўл экин турларини жойлаштириш ва етиштириладиган маҳсулот ҳажмларини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар белгиланишини ва бажарилишини;

сув таъминоти ва инфратузилмаси мавжуд бўлган Зомин туманидаги денгиз сатҳидан 1-1,5 минг метр балангликда бўлган Қорамозор ҳудудидан 20 гектар ер майдонининг Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти балансига ўтказилишини таъминласин;

г) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда Зафаробод тумани Ф.Хўжаев массивида жойлашган 30-сон манзил колониясига қарашли 513 гектар самарасиз фойдаланиб келинаётган суғориладиган ер майдонини 2 400 бошли гўшт йўналишидаги чорва комплексини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш шартини лойиҳа ташаббускорларига танлов асосида ажратиб бериш чораларини кўрсин;

д) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва "Ўзбек-озиковқатхолдинг" холдинг компанияси билан биргаликда бир ой муддатда Жиззах вилоятининг Зомин, Мирзачўл ҳамда Пахтакор туманларида, уларнинг географик жойлашувидан келиб чиққан ҳолда, транспорт ва инфратузилма объектлари ҳолати ва туташ туманларнинг маҳсулот етиштириш ҳажмларини инобатга олиб, йирик агрологистик марказларни ташкил этиш лойиҳаларини амалга ошириш дастурини тасдиқласин ҳамда бажарилишини таъминласин;

е) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги, Агроекономика вазирлиги ҳамда лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда бир ой муддатда 2020 йил давомида ташкил этиладиган инвестиция лойиҳалари бўйича, шунингдек, ҳар йили 1 октябрга қадар келгуси йил учун ташкил этиладиган лойиҳаларнинг манзилли дастурини тасдиқласин ва ҳар чоракда бажарилган ишлар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига батафсил маълумот киритиб бурсин;

ж) Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан биргаликда 2020 йил III чорагида Жиззах вилоятининг Бахмал, Ғаллаорол, Зомин, Фориш, Янгиобод ва Ш.Рашидов туманларидаги янги ўзлаштириладиган лампи ер майдонларида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш учун артезиан қудуқ қазих ва ер ости сувларидан фойдаланиш мақсадида бурғилаш ишларини ташкил этсин;

з) Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Агроекономика вазирлиги ҳамда лойиҳа ташаббускорлари билан биргаликда манзилли дастурни молиялаштиришда тижорат банкларининг кредит маблағлари, халқаро молия институтларининг кредит линиялари ва хоржий инвесторлар маблағларини жалб этиш чораларини кўрсин.

Бунда, тижорат банклари томонидан лойиҳаларни молиялаштириш, шу жумладан, айланма маблағларни шакллантиришга кредитлар ажратишда қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилсиз ҳамда барпо этилаётган қувватларни ташкил этиш даврга кредитнинг асосий қарзидан имтиёзли давр берилсади.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (Ў.Барноев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда икки ой муддатда мазкур қарор талабларини инобатга олган ҳолда:

Республиканинг айрим ҳудудларини 2020-2022 йилларда боғдорчилик ва узумчилик йўналишларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари;

Республиканинг айрим ҳудудларини 2020-2022 йилларда сабзавот, картошка, полиз, дуккакли ва доривор ўсимликлар ҳамда иссиқхона хўжалиқларига ихтисослаштириш кўрсаткичлари;

Республиканинг айрим ҳудудларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштиришда 2020-2022 йиллар давомида амалга ошириладиган чора-тадбирлар бўйича "Йўл харитаси" лойиҳаларининг ишлаб чиқиши ва Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминласин.

5. 2021 йил 1 январдан бошлаб 2023 йил 1 январга қадар 5-иловага мувофиқ рўйхат бўйича четдан олиб кириладиган уруғлар, қўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари, томчилятиб ва ёмғирлятиб суғориш тизимлари ҳамда

уларнинг бутловчи қисмлари божхона божидан озод этилсин.

6. Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси ҳамда Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

боғдорчилик хўжалиқларида ташкил қилинадиган ҳар 35 гектар интенсив боғ ва тоқзорларга сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ва бошқа сув хавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш ишлари учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан бериладиган тегишли рухсатномага асосан 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия маблағларини ажратиш тартиби жорий этилганлиги инобатга олинсин;

сувдан фойдаланиш мақсадида туташ ҳудудларда жойлашган ҳар бирининг умумий майдони 35 гектардан ошмайдиган бир неча фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ўзaro келишуви асосида сув чиқариш учун бурғиланган қудуқни, шунингдек, дарёлар, каналлар ҳамда бошқа сув хавзаларидан сувни тортишга насос станциясини қуриш учун сувдан махсус фойдаланиш ёки сувни махсус истеъмол қилиш бўйича ваколатли органлар томонидан бериладиган тегишли рухсатномага асосан ҳар 35 гектар майдонга 120 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда субсидия ажратилиши белгилансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги икки ой муддатда:

а) Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги билан биргаликда Жиззах вилоятининг айрим ҳудудларида артезиан қудуқ қазих ва ер ости сувларидан фойдаланиш мақсадида Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 6 миллиард сўм маблағлари эвазига 6 дона бурғилаш машинасини харид қилиб, Жиззах вилояти фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгашига бегараз ажратиш ишларини амалга оширсин;

б) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги, Узумчилик ва виночиликни ривожлантириш агентлиги ҳамда Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик

илмий-тадқиқот институти билан биргаликда "2020-2023 йилларда мева-сабзавотчилик, узумчилик, полизчилик ва картошкачилик соҳаларида амалга ошириладиган илмий-амалий тадқиқотлар ва инновацион илмий-техник лойиҳалар" дастурини шакллантирсин ва лойиҳаларни дастурда белгиланган муддатларда Инновацион ривожланиш вазирлигига тақдим этиб бурсин.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги мазкур дастур доирасида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан тақдим этиладиган лойиҳаларни белгиланган тартибда молиялаштириш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ихтисослаштирилган ҳудудларда ташкил этиладиган ҳар бир агрокластерга халқаро стандартларга (Global GAP, Organic, ISO 22000 ва бошқалар) мувофиқ хавфсизликни бошқариш тизимларини жорий этиш ва сертификатлаштиришда амалий ёрдам кўрсатиш режасини ишлаб чиқиб, амалга оширсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва вазирлиги ихтисослаштирилган ҳудудларнинг, биринчи навбатда Жиззах вилоятининг табиий газ ва электр энергияси таъминотини ўрганган ҳолда замонавий иссиқхоналар, интенсив боғ ҳамда тоқзорлар ташкил этилаётган ҳудудларнинг энергия ресурслари билан таъминлаш, шунингдек, қайта тикланувчи ва ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни йўлга қўйган ташаббускорлар, фермер хўжалиқлари ва бошқа субъектларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантириш чораларини кўрсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри,
2020 йил 11 май

Ш. МИРЗИЁЕВ

Қишлоқ хўжалиги

МАҚСАД БИТТА — ИСТЕЪМОЛ ВА
УРУҒЛИК КАРТОШКА ЕТИШТИРИШ
ҲАЖМИНИ ОШИРИШ



Ақтам ҲАЙТОВ,
Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси

Айни дамда қишлоқ хўжалиги тармоқларини янада ривожлантириш, аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган бирламчи талабини қондириш, айниқса, ички бозорда нарх-наво барқарорлигини таъминлаш муҳим ва устувор масалага айланди. Шу боис, мамлакатимизда миришкор деҳқон ва фермерларимиз карантин қондаларига амал қилган ҳолда ўз даласида, аҳоли эса томорқасида баҳорги экин ишларини давом эттиряпти.

Шу ўринда айтиш керакки, мамлакатимизда истеъмол қилинадиган картошка маҳсулотларининг 80-85 фоизи аҳолининг томорқа ерларида етиштирилади. Бу йил эрта баҳорда аҳолининг 45 минг гектар томорқа ерларида картошка экилди. Айни чоғда Сурхондарё вилоятида эртаги картошка қовлаб олиниб, истеъмолга чиқарилмоқда.

Юртимизда коронавирус пандемияси келтириб чиқараётган инқирозга қарши курашиш шароитида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланишни ташкил қилиш, улардан йилгига икки-уч марта ҳосил олиш учун катта имкониятлар бор.

Қилиниб, аҳолига уруғлик ва қўчат етказиб бериш, хизматлар кўрсатиш бўйича 244 та "Томорқа хизмати" корхонаси фаолияти йўлга қўйилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Бугунги кунда кенгашишни тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳудудлардаги деҳқон хўжалиқлари ва аҳоли томорқаларига экин экиш ҳолатини ўрганмоқда. Туманларда ташкил этилган "Томорқа хизмати" МЧЖлар эса тупроқ-иклим шароити ва сув билан таъминланганлик ҳолатидан келиб чиқиб, қайси турдаги экинларни экиш, парваришлаш, маҳсулотни йиғиб олиш ва уни сотиш бўйича амалий ёрдамлар кўрсатяпти.

Кенгаш жойлардаги ҳокимликлар билан биргаликда сув таъминоти яхши бўлмаган маҳаллаларда артезиан қудуқлар қазиб, ҳосилдорлик, истеъмол ва уруғлик учун картошка етиштиришни

оширишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, кенгаш ҳузуридаги жамғарма томонидан жорий йилнинг ўтган тўрт ойи давомида картошка уруғи сотиб олиш, экин турини ривожлантириш учун 81 та томорқа ер эгасига 1 млрд. 11 миллион сўм, Жиззах вилояти Ғаллаорол туманидаги 35 та фермер хўжалигига 1 млрд. 50 миллион сўм, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидаги "Янгиқўрғон картошкачилик маркази томорқа хизмати" МЧЖга 3 млрд. сўм кредит маблағлари ажратилди.

Бундан ташқари, жамғарма томонидан сув таъминоти оғир ҳудудларда артезиан қудуқларини қазий бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятининг Қўшрабат туманидаги 4 та "Томорқа хизмати" МЧЖга 2 млрд. 870 миллион сўм, тумандаги 3 та фермер хўжалигига 2 млрд. 270 миллион сўм кредит маблағлари ажратилди. Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган "Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистонда картошкачилик кластерлари ва кооперациялари ташкил этилиб, туманлар ҳамда ҳудудлар

картошка етиштиришга ихтисослаштирилади, соҳага оид бир қатор янгилик ва имтиёзлар жорий этилади. Хусусан, 2023 йил 1 июлгача четдан олиб кириладиган уруғлик картошка божхона божидан озод этилади.

Истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришда илғор технологиялар, инновацион ечимлар (ноу-хау) ва ресурстежамкор технологияларни жорий этиш, истеъмол ва уруғлик картошкага бўлган ички бозор талабини қондириш, шунингдек, унинг экспортини кенгайтириш кластерлар ва кооперациялар фаолиятининг асосий йўналишига айланади.

Қарорда истеъмол ва уруғлик картошка, жумладан, унинг супер элита, элита авлодларини етиштиришга туманлар ҳамда ҳудудлар ихтисослаштирилиши ҳам назарда тутилган.

Жорий йил 1 майдан бошлаб картошка етиштирувчи фермер хўжалиқлари, қишлоқ хўжалиги корхоналари, шунингдек, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларининг уруғлик картошка харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун уларга 12 ой муддатгача тижорат кредитлари ажратилиши ҳам белгиланган.

Яна бир аҳамиятли жиҳати, мазкур меъёрий ҳужжат билан Фанлар академиясининг Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Илмий изланишлар ва инновацион ишланмаларни молиявий қўллаб-қувватлаш, картошка навлари селекцияси ва уруғчилигини

ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Фанлар академияси Биоорганик кимё институти тасарруфидоги Тошкент вилояти Бўстонлик тумани "Сойлик" маҳалласи ҳудудида жойлашган 17,2 гектар ер майдони картошканинг маҳаллий навлари бирламчи уруғчилигини йўлга қўйиш мақсадида институт тасарруфига ўтказилди. Тошкент вилояти Бўстонлик туманидаги "Бурчмулло" давлат ўрмон хўжалигининг Пском массиви ҳудудидаги бўш турган ер майдонларида юқори навли уруғлик картошка етиштириш йўлга қўйилди.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қарордан қўзланган мақсад битта — республикада истеъмол ва уруғлик картошка етиштиришни ошириш, картошкачилик соҳасида кластер ва кооперация механизмларини кенгайтириш ҳамда картошкага бўлган ички бозор талабини тўлиқ қондириш. Зеро, дастурхонимиз тўқин-сочин, бозорларимиз ноз-неъматларга тўла ва арзон бўлиши учун бугун ҳаракат қилмасак, эртага кеч бўлади.

Таҳлил

ЭКСПОРТ ҲАЖМИНИ 15 МЛРД. \$ ГА ЕТКАЗИШ, 3 МЛН. ДАН ОРТИҚ АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ — УСТУВОР ВАЗИФА

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
иқтисодий шарҳловчи



Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси (ICAC) маълумотларига кўра, сўнгги йилларда дунё мамлакатларида “оқ олтин” етиштириш ҳажми ортиб бораётган. Айни пайтда 33-35 миллион гектар майдонда гўза экилиб, 25 миллион тонна атрофида тола олинади. Ўзбекистонда эса бу борадаги кўрсаткич ўртача 1 миллион тоннани ташкил этади.

Бу хомашё мамлакатимиз тўқимачилик сановатида 2 мингдан зиёд корхонанинг фаолият юритиши, уларда 365 минг кишининг ишлаши учун асосий манба ҳисобланади. Соҳанинг экспорт салоҳияти сўнгги 3 йилда 2 баравар ошди. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 1,6 миллиард долларга етди.

Ана шундай ўсиш суръатлари пандемия инфекцияси даврида ҳам сақланиб турибди. Тўқимачилик корхоналарининг экспорти 2020 йилнинг дастлабки уч ойида утган йилнинг шу даврига нисбатан 126 фоиз ўсди ва қарий 456 миллион долларлик маҳсулот хорижга жўнатилди.

Президентимиз раислигида 23 апрель кунини тўқимачилик сановати барқарорлигини таъминлаш, пандемиянинг соҳага таъсирини юмшатиш масалалари бўйича ўтказилган йиғилишда эришилган марралар ҳали етарли эмаслиги таъкидланди ҳамда соҳадаги мавжуд резерв ва имкониятларни ишга солишни аниқ йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, келгуси 5 йилда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни 4-5 баравар кўпайтириш, таннархни рақобатчиларга нисбатан арзонлаштириш, ташқи бозорларни эгаллаш зарур.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 5 май кунини имзоланган “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж сановатини қўллаб-қувватлашга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида ана шу вазифаларни амалга ошириш тизими ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Унинг асосий мақсади коронавирус пандемияси билан боғлиқ жаҳон иқтисодий инқирозининг тўқимачилик ва тикув-трикотаж сановатини ривожлантиришга салбий таъсири юмшатиш, тармоқнинг ички ва ташқи бозордаги мавқеини янада кенгайтиришга қаратилган.

МЕЗОН — НЬЮ-ЙОРК ТОВАР БИРЖАСИ НАРХЛАРИ

Фармонда пахта толасининг бошланғич нархи Нью-Йорк товар биржасининг фьючерс котировкаси қийматидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши ақс этган. Бунда тўқимачилик корхоналари ва кластерларини янада қўллаб-қувватлаш, маҳсулот рақобатдошлигини ошириш мақсадида хомашё нархини 10 фоизгача пасайтириш имкониятини берувчи халқаро биржа нархлари жорий этилади.

— Ливерпуль биржаси пахта толасини сотишга ихтисослашган йирик трейдер компаниялар учун нархларни белгилайдиган халқаро молиявий савдо майдончаси ҳисобланади, — дейди “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси раиси ўринбосари Бахтиёр Мухаммадсаидов. — Пахта толасини қайта ишлашчи корхоналар мазкур биржанинг “Cotton Outlook” бюллетенида эълон қилинадиган “А” индекси бўйича тола нархи харид қилиб келишган.

Аслида пахта толаси Нью-Йорк биржасида сотилади ва унинг нархи Ливерпульниқидан 10 фоиз арзон юради. Фармон билан эндиликда ишлаб чиқарувчиларимиз пахта толасини Нью-Йорк товар биржаси нархларида харид қилиши белгиланмоқда. Бу қайта ишлаш корхоналарининг рақобатбардошлигини оширади. Чунки хорижий ёки маҳаллий бўлишидан қатъий назар, уларга бир хил нархларда хомашёни харид қилиш имконияти яратилади.

Европа Иттифоқи бозорига тўқимачилик маҳсулотлари билан кириб бориш соҳа олдидаги асосий вазифалардан бири. Чунки кўҳна қитъа мамлакатлари дунё бўйича тайёр кийим, тўқимачилик маҳсулотларининг асосий истеъмолчиси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг бу бозордаги иштирокини кенгайтириш учун 2020 йилда GSP+ тизимига ўтишга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз тўқимачилари GSP (Generalized system of preferences — имтиёзлар умумий тизими) тизимида фаолият кўрсатяпти. Агар бу тизим Евроиттифоқ бозорига 3000 товарни бож тўловисиз, 3200 товарни эса пасайтирилган ставкаларда экспорт қилиш имконини бераётган бўлса, GSP+ га ўтилса, мазкур кўрсаткичлар икки баробар ортади.



ЭКСПОРТ ВА ИМПОРТ УЧУН ИМТИЁЗЛАР

Коронавирус пандемияси даврида дунё тўқимачилик корхоналарини ҳам молиявий танқислик четлаб ўтмаяпти. Маҳсулотларга буюртмалар қайта бораётгани бунинг сабабларидан бири ҳисобланади. Бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи чорагида 8 фоизга тушиб кетган.

Экспорт шартномаларининг бекор қилиниши ёки кечиктирилиши оқибатида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сотилмай қолиб, корхоналарда айланма маблағлар етишмаслиги ҳолатлари мамлакатимиз тўқимачилик сановатига ҳам салбий таъсир кўрсатмасдан қолмаяпти. Шу боис, фармонда корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий 1 апрелига қадар харид қилинган пахта толаси учун яқини тўловлар 90 кундан 150 кунгача узайтирилиб, уларнинг айланма маблағлар билан таъминланиши ва узлуқсиз фаолият юритиши учун шароит яратилди.

Яна бир енгиллик. Эндиликда тўқимачилик корхоналари экспорт қилган маҳсулот республикадан чиқиб кетган заҳоти қўшилган қиймат солигини тўлиқ қайтариш тартиби жорий этиляпти. Бу тартиб қандай тарзда йўлга қўйилади?

— Корхона экспортга йўллаган маҳсулотини божхонадан ўтказган кунини электрон тарзда солиқ органларига шахсий электрон кабинет орқали қайтарилиши лозим бўлган ҚҚС бўйича ариза беради, — дейди Бахтиёр Мухаммадсаидов. — Фармонга асосан, солиқ органлари ушбу электрон аризани 1

иш кунини давомида кўриб чиқади ва ҳал қиладди. Бу тартиб 2020 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатда амал қилиши режалаштирилмоқда. ҚҚСнинг ўз вақтида қайтарилиб олиниши корхоналарнинг айланма маблағларга бўлган эҳтиёжини қисқа муддатда қоплайди, четдан қўшимча молиялаштиришга ёки банк кредитларини олишга эҳтиёж қолдирмайди. Пировардида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажми ўсишига ижобий таъсир кўрсатади.

Лекин ҳисобга олиш кераки, қўшилган қиймат солигини қайтаришнинг мазкур соддаштирилган тартиби тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарига улар томонидан охириги 12 ой давомида товарлар экспорти амалга оширилган, шунингдек, экспорт қилинган товарлар бўйича 10 минг АҚШ доллари билан қўшимча муддатга ўтган дебитор қарздорлик мавжуд бўлмаган тақдирда татбиқ этилади.

Фармонга кўра, соҳа учун муҳим бўлган 64 турдаги хомашё ва материаллар божхона божидан озод қилинапти. Бу, аввало, корхоналар фаолиятида узиллишлар келиб чиқмаслиги, мавжуд ишчи кучини сақлаб қолиш ва экспорт ҳажминини оширишга қаратилган чоралар сирасига қиради. Мисол учун, 2019 йилда 303 миллион доллардан ортиқ хомашё ва материаллар импорт қилинган бўлса, улардан 238 миллиард сўм божхона тўлови ундирилган. Янги тартибга биноан, 2021 йилнинг 1 январигача бўлган муддатда олиб қилинадиган 64 турдаги хомашёга божхона бож бекор қилиниши корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот таннархини 7 фоиз пасайтиради. Бу, ўз навбатида, ташқи бозорларда маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширади ва экспорт ўсишига олиб келади.



ХАЛҚАРО БРЕНДЛАР ВА СИФАТ СТАНДАРТЛАРИ

Фармонда “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси ҳамда бир қатор вазирилк ва идораларга халқаро брендлар билан ишлашни йўлга қўйиш, корхоналарда халқаро сифат стандартларини жорий қилиш бўйича вазифалар ҳам ўз ифодасини топади. Ҳозир бу борада Халқаро молия корпорацияси ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда Better Cotton Initiatives (BCI) стандартини жорий қилиш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Эндиликда бошланган тадбирлар янада кенг қўлама касб этади. Вазирлар Маҳкамаси зиммасига 2020 йил 1 сентябрга қадар жаҳон брендларини жалб қилган ҳолда ташқи бозорларда талаб катта бўлган, юқори қўшилган қийматга эга, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан, уларни йирик ҳу-

дудий тўқимачилик-тикувчилик кластерлари ҳудудда жойлаштириш бўйича 2021-2025 йилларга мўлжалланган инвестиция лойиҳалари тасдиқланишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Бунда ҳар бир янги тикувчилик-тўқимачилик ишлаб чиқариши, қоида тариқасида, махшур халқаро брендлар маҳсулотларини реализация қилиш ва камда мингта иш ўрнини ташкил этиш режалаштирилган бўлиши лозим.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси Ўзбекистоннинг хориждаги элчихоналари, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда олдинда турган мазкур йўналишдаги вазифаларни бажаришга киришди. Бундан бир неча кун олдин Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда мазкур мамлакатнинг йирик компанияларидан бири “Yousuf Dewan Companies” билан видео мулоқот бўлиб ўтди ва йирик тўқимачилик кластерини ташкил этиш лойиҳасини кўриб чиқишга келишиб олинди. Бу борада ишлаб божча, жумладан, Туркия, Бельгия, Мисрдаги элчихоналар билан ҳам давом эттирилмоқда.



ЯҚИН КЕЛАЖАКНИНГ МАСЪУЛИЯТЛИ МАҚСАДЛАРИ

Фармонда тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини пандемия давридан сўнг иқтисодий қўллаб-қувватлашга қаратилган 2025 йилгача мўлжалланган дастур ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Бу даврда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари, шунингдек, тўқимачилик ва тикув-трикотаж корхоналарини айланма маблағлар билан таъминлашга Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 300 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит линиялари маблағлари, тўқимачилик ва тикув-трикотаж сановати учун очилган тижорат

Сугурта

Мол-мулкни сугурталаш ҳаётининг зарурат

Дониёрбек ЭРКИНЖОНОВ,
“Узгросугурта” АЖ бошқарувининг ижро этувчи аппарати бошлиғи

Жаҳонда ва мамлакатимизда коронавирус инфекциясининг кенг тарқалиши, табиат инжиқликлари билан боғлиқ ҳолда юзага келаятган фавқулодда вазиятлар, табиий офатлар ҳеч бир киши техноген ҳодисалардан ҳимояланмаганини кўрсатмоқда.

Табиий офатлар оқибатларини барта-раф қилиш ва етказилган зарарларни қоплаш бўйича барча зарур чора-тадбирлар кўриляпти. Халқнинг оғирини енгил қилишга қаратилган бир қатор қарор, фармон ва ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Ваҳоланки, бундай вазиятларда етказилган зарарларни сугурта компаниялари қоплаб бериши, бунинг учун эса одамлар мол-мулкни сугурта қилдирган бўлиши лозим эди. Афсуски, бугун халқимиз орасида сугурта маданияти етарли даражада шаклланмаган ва уни амалга оширишга бўлган ишонсизлик юқори. Бу жорий йилнинг 28 апрель кунига ўтар кечаси Бухоро ва Навоий вилоятларида бўлиб ўтган кучли бўрон ҳамда 1 май кунини Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори тўғонининг ёрилиши натижасида етказилган талафотлар чоғида ҳам аяқол намоён бўлди. Текширувлар жараёнида нобуд бўлган чорва моллари, жиддий зарар етган аҳоли иморатларининг асарияти сугурта қилинмагани аниқланди. Сугурта қилинган мол-мулкларга етказилган барча зарар ўз вақтида тўлаб берилмапти.

Мамлакатимизда сугурта муносабатлари сугурта компаниялари ҳамда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилган иқтиёрий сугурта шартномалари (мажбурий сугурта турларидан ташқари) асосида амалга оширилади. Сугурта шартномаси кучга кирмаган, яъни сугурталанмаган мол-мулкларга етказилган зарарларни сугурта компаниялари томонидан қоплаш учун қонуний асос мавжуд эмас.

Республикада 1997 йилгача сугурта агентлари томонидан аҳоли, унинг иморат ва чорва ҳайвонлари мажбурий сугурта қилинган. Натижада уша йиллари 10 миллионга яқин сугурта шартномаси тузилган. Ушбу шартномалар талаби асосида фуқароларнинг мол-мулкига турли табиий офатлар натижасида етказилган зарарлар қоплаб берилган. Мажбурий сугуртанинг асосий тамойилларидан бири етказилган зарар қоплашнинг кафолатлишидир. Шу боис, мажбурий сугурта бадалини тўламаган инсонларга ҳам зарарлар белгиланган миқдорда қоплаб берилган. Масалан, чорва ҳайвонларини мажбурий сугуртасида сугурта товони ўша пайтдаги энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдорда белгиланган.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтилган, аҳоли мол-мулкларининг мажбурий сугуртаси бекор қилиниб,

Боғдорчилик

Ёшлар боғи сув билан таъминланди

Л.СУВОНОВ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрь кунини Мухаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда мамлакат ёшлари билан видеоселектор тарзида бўлиб ўтган учрашувида ҳар бир вазирилк, идора ва ташкилотлар раҳбарларига ҳамда ҳокимларга ёшлар билан ишлаш, уларни меҳнатга жалб қилиш, ижтимоий ҳимоялаш бўйича алоҳида вазифалар белгилаб берилган эди.

Мазкур топшириқ ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоятида ҳам бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилнинг эрта баҳорида Андижон туманидаги Тешабой Мирзаев массиви “Отчопар” маҳалла фуқаролар йиғини ўрамадаги фойдаланилмай ётган адирлардаги 42 гектар ер майдонини ишсиз 173 нафар ёшга 20 сотиҳдан ажратиб берилган. Бу ерларни сув билан таъминлаш мақсадида “Андижон адир” сув насос станцияси томонидан 1900 метр масофага қувур ётқизилди. Адирлик нотекислиги ва масофа узоклиги боис сув қувурини ётқизиш ишлари босқичма-босқич амалга оширилди.

Шунга қарамай, ерга қувур ётқизиш келинаётган бир пайтда адирлик адоғидан ер ажратилган 11 нафар ёш вазиятини тўлиқ ўрганиш, мутасадди ташкилотларга боғлан-

иштирий этиб белгиланди. Натижада инсонлар сугуртани ўзи англаган ҳолда амалга ошира бошлади. Уларда сугурта ва унинг аҳамияти ҳақида мустакил фикрлар, тушунчалар пайдо бўлди. Шунга қарамай, ўтган йиллар давомида фуқароларда сугуртага бўлган ишонсизлик сақланиб келди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда, айниқса, қишлоқ жойларда яшайдиган аҳолининг сугурта ҳимоясини таъминлаш мақсадида бир қатор чора ва фармонлар қабул қилинди. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган Аҳоли хонадонларида ва чорва-чилик йўналишида фаолият кўрсатилган ҳўжалик юритувчи субъектларда парвардир қилинаётган чорва ҳайвонларини сугурта қилиш тартиби тўғрисидаги низом ана шулар жумласига қиради.

Ушбу низомга кўра, аҳоли чорва ҳайвонларини иштирий сугурталаш тартиби белгиланган. Масалан, фуқаронинг бир бош чорва ҳайвонининг ўртача бозор нархи 5 миллион сўм бўлса, сугурта пули унинг 80 фоизи, яъни 4 миллион сўмга тўғри келади. Бу ҳолатда фуқаро томонидан 4 миллион сўмдан 8 фоиз миқдорда, яъни 320 минг сўм сугурта мукофоти тўланганда, унинг чорва ҳайвони табиий офатдан нобуд бўлган тақдирда жами 4 миллион сўм сугурта товони тўлаб берилади.

Шунингдек, аҳоли бино-иншоотлари ва иморатлари сугуртаси бўйича фуқаро томонидан қиймати 50 миллион сўмлик иморатларни сугурта қилиш учун уй-жой қийматининг 0,5 фоизи миқдорда, яъни 250 минг сўм сугурта мукофоти тўланиши лозим. Бунда фуқаро томонидан 250 минг сўм эвазига 50 миллион сўмга уй-жойи сугурта қилинади. Табиий офат натижасида уй-жойга етказилган зарар баҳолаш дололатномаси асосида қоплаб берилади. Агар табиий офат натижасида уй-жойнинг бир қисми, масалан, 70 фоизи зарарланганда, сугурта товони сифатида 50 миллион сўмнинг 70 фоизи, яъни 35 миллион сўм миқдоридagi зарар қопланади.

Албатта, сугурта шартномасини тузиш учун фуқарода нафақат хоҳиш, балки сугурта мукофотини тўлаш учун етарли маблағ бўлиши лозим. Ҳозир инсонлар учун мол-мулк ва бошқа хавфларини сугурталашга бўлган эҳтиёж уларнинг яшаш учун зарур бўлган биринчи даража эҳтиёжларидан (озиқ-овқат, кийим-кечак, уй-жой ва маиший эҳтиёжлар) кейинги ўринда туради.

Республикада табиий техноген ҳодисалар содир бўлиши юқори бўлган ҳудудда жойлашганини инобатга олиб, аҳоли бино-иншоотлари, иморатлари ва чорва ҳайвонларини мажбурий сугурталаш тизимини жорий этиш мақсадида мувофиз, Албатта, бунинг учун комплекс чора-тадбирлар қабул қилиш талаб этилади. Президентимизнинг 2019 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди ушбу масалаларга эътибор қаратилган бўлиб, унинг ижросини ўз вақтида таъминлаш ва инсонларда сугурта маданиятини шакллантириш мазкур соҳани янада такомиллаштириш ва амалий натижаларга эришишига хизмат қилади.

май, сув билан таъминлаш масаласида ижтимоий тармоқларда чиқиш қилган.

Жорий йилнинг 29 апрель кунини “Сув-сизликдан кўчатларимиз нобуд бўлмоқда” сарлавҳаси остида эълон қилинган мазкур мурожаат тўлиқ ўрганиб чиқилди. Андижон тумани ҳокимлиги матбуот хизмати туман ҳокимлиги ва тегишли ташкилотларнинг саъй-ҳаракатлари билан қувур ётқизиш ишлари охирига етказилиб, ерларнинг барчаси сув билан таъминланганини маълум қилди.

— Маҳаллаимиз адирликда жойлашгани боис деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиш учун шароит мавжуд, — дейди Ҳайитали Олимов. — Қолаверса, деҳқончилик ота-бобомиздан мерос. Ер билан тиллашиш қон-қонимизга сингиб кетган. Шу боис ҳам уйимизга яқин жойдан ҳар бир ёшга 20 сотиҳдан ер майдон ажратиб берилиши аини мудоаа бўлди. Айни кунларда бу ерга мевали дарахт кўчатлари ўтқаздик. Шунингдек, кўчат ораларидаги бўш жойда турли савбавот экинларини парвардирлашяптимиз.

Вилоят ҳокимлиги ахборот хизматида маълум қилишларича, Андижон туманидаги қатор ҳудудларда, жумладан, “Боғи эрам” маҳалласида истиқомат қилувчи 81 нафар уюшмадан ешоник хоҳишидан келиб чиққан ҳолда уларга ҳам адирлик ёнбаридан 16 гектар ер майдони ажратиб берилган.

Қисқа давр ичида вилотнинг ҳар бир туманида ана шундай “Ёшлар боғи” ташкил этилиши бўйича барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Туман ҳокимлиги ташаббускор ёшларнинг иссиқхона барпо қилишига ҳам яқиндан кўмак бермоқда.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЖАСОРАТИ ҚАҲРАМОНЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ БЎЛИБ КЕЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг буюқ ғалабанинг 75 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи, шунингдек, Тошкентда Ғалаба боғининг очилиши хорижий давлатлар ижтимоий-сиёсий, илмий, ишбилармон доиралари ва кенг жамоатчилиги вакиллари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида душман қўшинлари босиб олган ҳудудлардан Ўзбекистонга кўчирилган инсонлар ва уларнинг авлодлари бу ўринда ўзларининг алоҳида миннатдорлигини билдирмоқда.

Жумладан, "Польша-Шарқ" уюшмаси президенти, профессор Ежи БРИЛЛЪ пойтхатимизда Ғалаба боғининг барпо этилишини муҳим воқеа, деб атади.

— Боғнинг фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 75 йиллиги нишонланган кунда очилиши уруш азобини тогган дунёнинг қўллаб мамлакатлари ва халқлари қатори польшаликлар ҳамда ўзбек халқи учун ажойиб соғва бўлди, — деди у. — Уруш ниҳоясига етганига 75 йил тўлган бўлса-да, бизнинг авлод уруш пайтида Польшада кечган даҳшатларни яхши эслайди. Ушбу воқеалар Ўзбекистонда ҳам ёд этилиши ва ҳурмат билан муносабатда бўлинишидан жуда мамнунмиз. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ғалаба боғи қурилиши ташаббускори бўлгани ҳам муҳим жиҳат.

Польшанинг Гданьск шаҳрида дафн қилинган ўзбек аскарлари, генерал Собир Раҳимовнинг рамиэи қабри бор. Миннатдор польшаликлар бу жойни ободонлаштириб, ҳар йили зиёрат қилади. Ўз навбатида, Ўзбекистонда ҳам генерал Андерс армияси аскарлари қабрларига алоҳида ҳурмат кўрсатилади. Ўзбек халқи уруш даврида Польша аскарларига бошпана бериб, охири ноини ҳам бирга баҳам кўрган. Бу икки халқ муносабатларидаги таъсирли саҳифадир.

Мен Ўзбекистонда бўлганимда ёшларнинг тарихга ҳурмат, ўз халқи ўтмишини билиш руҳида камол топаётганига гувоҳ бўлдим. Бундай тарбияни буюқ ўзбек халқи табиатида хос чизгилар, дейиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Тошкентда Ғалаба боғининг очилиши кўп миллатли мамлакатнинг ўз тарихи, замонавий Ўзбекистоннинг аждодлар хотирасига бўлган самимий муносабатини намоён қилди.

Туркиянинг Стратегик фикрлаш институти директори, профессор Муҳаммад Савашли КАВКАСЯЛИНИНГ қайд этишича, дунёда глобал хавфсизликка таъсир этувчи мунозарали воқеалар юз бераётган бир пайтда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати юқори ҳурмат ва қўллаб-қувватлашга лойиқдир.

— Байрам арафасида нафақат мамлакатда, балки дунё миқёсида аҳамиятли бўлган Ғалаба боғининг очилиши чўқур маънога эга. Бу Ўзбекистоннинг МДХ ва унинг сарҳадида ташқаридаги нуфузини янада оширади. Шубҳасиз, ушбу мажмуа ёшларни маънавий ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш марказларидан бирига айланади, ўз-ўзини англаш, ўзини ўзи қадрлаш манабни бўлиб, Ўзбекистон фуқаролари ва мамлакат меҳмонлари ташриф буюрадиган манзиллар рўйхатида кирди.

Франция яҳудий жамоаси вакили Анри БИЛЕЖИ-АКНИНГ фикрича, Ўзбек халқи қўллаб миллатлар геонфондини сақлашга бебаҳо хисса қўшган.

— Оилам Самарқандга эвакуация қилинган эди. Аини ўша шаҳарда ўзбек халқининг меҳрибонлиги ва саховатидан баҳраманд бўлдик, — дейди у. — Мен қаҳрамон ўзбек халқининг хизматлари абадийлаштирилиши ва муносиб тақдирланиши тарафдориман.

"Шон-шараф" музейи ва Ғалаба боғи ўзбек халқининг афсонавий тарихини акс эттирди. Ушбу мажмуанинг яратилиши жаҳон ҳамжамиятига Ўзбекистоннинг илгари ўрганилмаган тарихи, уруш йиллари қаҳрамонлари меҳнатсеварлиги, ўзбек оналарининг урушда қатнашган ҳар қандай фарзандга бўлган муҳаббати, аскарларнинг ватанини ҳимоя қилишдаги жанговар ҳаракатлари билан яқиндан танишишга имкон беради. Қайд этиш керак, Ўзбекистоннинг биз билмаган яна қанчадан-қанча қаҳрамонлари номлари абадийлаштиришга муносибдир. Музейнинг қурилиши нафақат тарихий адолатни тиклаш, балки уруш йиллари тарихини чуқурроқ ўрганиш, ёш авлодни буюқ жасорат кўрсатган аждодлар хотирасига ҳурмат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида эвакуация қилинган одамларнинг ўзбек халқи томонидан оммавий тарзда қабул қилиниши ҳақида фаол маълумотлар билан бўлиши келаётган, ҳозир Францияда истиқомат қилаётган ҳамюртимиз Вячеслав ШАТОХИН ана шундай далилларни сақлаш, гувоҳлик маълумотларини тизимлаштириш билан шуғулланади.

— Тарихий ҳужжатлар билан яқиндан таниш инсон сифатида ўзбек халқининг буюқ ғалабага қўшган салмоқли ҳиссаси ҳали тўлиқ ўрганилмагани ҳақида Президент Шавкат Мирзиёев билдирган фикрларни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Ушбу фожиали урушда Ўзбекистоннинг ўрнини тўлиқ ўрганиш мақсадида халқаро тарихшунослар саъй-ҳаракатларини бirlaштириш муҳим, деб ҳисоблайман.

Ўзбекистонга эвакуация қилинган инсонлар авлоди сифатида бир неча йиллардан буён халқаро тадбирларда Ўзбекистонда музей ташкил этиш гоясини илгари суриб келардик. Зеро, бу ўз инсонийлиги, меҳрибонлиги билан 2 миллиондан ортиқ одам ҳаётини сақлаб қолган ўзбек халқига бўлган ҳурмат белгиси саналади.

Уруш пайтида кўчирилган одамларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ўзбек халқи табиатининг ажралмас хусусияти бўлиб, бу хислатлар ҳозирги кунда қаҳрамонлик, инсонпарварлик ва бағрикенгликка ёрқин далил бўлиши мумкин. Ўзбекистонда ўзининг иккинчи ватанини топганларнинг барчаси унинг халқидан миннатдор ва бу жасоратни ҳеч қачон унутмайди.

"Шон-шараф" музейи меъморий ечими бўйича бетакорор ва юқори малака билан бунёд этилган. Бу ерда тарихий фактлар ва воқеалар замонавий технологиялар, интерфаол усуллар ёрдамида намоийш этилаётгани кувонарли. Ҳарбий жиҳозлар ва ўзига хос экспонатлар ўша давр руҳини ҳис қилиши имконини беради. Музейдаги уруш йиллари муҳитини акс эттирган Тошкент станцияси майдони ташриф буюрувчиларни ўзига жалб қилиши турган гап.

"Шон-шараф" музейи ёш авлод онгига инсонийлик, ҳамжихатлик ва бағрикенглик каби туйғуларни синдиришга хизмат қилади. Ушбу музейга ташриф буюрган келажак авлод ўз тарихи билан фахрланишига ишонаман.

"Дунё" АА

ЎЗБЕКИСТОН ОНАЛАРИГА ҚЎЙИЛГАН ҲАЙКАЛ



Мунаввара УСМОНОВА, "Саодат" журнали бош муҳаррири

Мамлакатимизда яна бир эзгулик майдони, Ватанга садоқат, ўз ҳаётини тинчлик ва озодлиқ учун фидо қилган инсонларнинг ўлмас жасорати ва ёрқин хотираси олдидаги юксак ҳурмат-эҳтиромнинг амалий намунаси кўринишидаги Ғалаба боғи барпо этилди. Тинчлик учун кураш ўзбек халқининг кўна маънавий қадриятларидан биридир.

Президентимиз таъкидлаганидек, "Ғалаба боғининг марказида "Матонат мадҳияси" деб аталган муаззам обида барча Ўзбекистон оналарига қўйилган ҳайкал бўлиб, она Ватан рамиэи бўлиб қад ростлади. Ҳеч шубҳасиз, ушбу ёдгорлик бутун халқимиз, айниқса, ёшларимиз учун кутлуғ зиёратгоҳга, оила, севаги-муҳаббат, вафо ва садоқат деган муқаддас тушунарчалар тимсолига айланиб қолади. Бу ерда қадам қўйган ҳар бир йигит-қиз миллатимизнинг қонида, сугида бўлган ноёб маънавий фазилатларни асраб-авайлаб, қадрлаб яшаш учун мана шундай улуг инсонлардан тарбия ва ибрат олади, деб ишонаман".

Қайси замон, қайси даврда бўлса ҳам халқимиз бошига тушган синовлардан мардона ўтган. Шахсан мен бу урушдан анча кейин дунёга келганман. Унинг изтироблари, йўқотишларини ўзим кўрмаганман. Лекин қонли жангоҳларда иштирок этганларни, тўрт мучаси бутун кетиб, майиб-мажруҳ қайтиб келганларни ва "фронт орқаси" аталган жабҳаларда битта ўзи уч-тўрт эркак ўрнига меҳнат қилган жасоратли аёллар ва оталари, акалари урушга кетгач, бир кунда болалигидан айрилиб, улғайиб қолган болаларни кўрганман.

Бу ёдгорлик қандайдир бадиий образ эмас, унга ҳаётда бўлган воқеа — мўътабар она ва унинг оиласи тўғрисидаги ҳақиқат асос қилиб олинган.

Тошкент вилояти Зангиота туманидаги

Хонобод қишлоғида яшаган Зулфия ая Зокирова Иккинчи жаҳон урушида бир эмас, беш ўғлидан жудо бўлган. Иил бошида Зулфия ая Зокирова ҳақида "Саодат" журналида мақола берилган эди. Ҳаёлимизда бу мўътабар онанинг ёнига ҳар кун бир бори келардим.

Зулфия аянинг турмуш ўртоғи Холмат ака анча эрта вафот этгани боис беш ўғил, бир қизни онанинг ёлғиз ўзи тарбиялаган. Уруш арафасида беш ўғилдан тўрттасини уйлантириб, уйли-жойли қилганди. Иккинчи жаҳон урушида Исоқжон, Аҳмаджон, Маҳмаджон, Ваҳобжон, Юсуфжон деган беш азамат ўғлидан жудо бўлган. Дилбандлари урушдан қайтмади. Келинлари, набираларини бағрига босиб ҳаёт учун курашди. Зулфия она қариб, ҳориб қолганда ҳам туңлари ухламасдан ховлида юриб, урушда халок бўлган беш ўғлининг исмларини айтиб чорларди. Зулфия она 1960 йил 24 майда 77 ёшида вафот этди. У сукули ўғли Юсуфни уйлантирмаганига, ундан фарзанд қолмаганига афсусланди. Онахоннинг васиятига кўра, ўғли бош қўйган тупроқдан бир ҳовуч олиб келиб, онаизор қабрига қўмишди... Бу азов, бу изтироб, бу жудодлик ўша даврларда юзлаб оналарнинг юрагини қонатган.

Яқин қариндошимиз бўларди. Ёлғизлиги учун ҳар кун хабар олиб турардик. Бир кун онамдан у киши нега ёлғиз эканини сўрадим. Онам: "Тўхтаҳон холам онамнинг туғишган опаси бўлади. Пешонаси шўр экан, умри ёлғизликда йўл қараб ўтганди. Тўққиз фарзандни дунёга келтириб, битта-сиёса эга бўлмади. Ёлғизгина ўғли Муҳаммадиси ҳам урушга кетиб қайтмади. Бир коса овқатни ўзи ҳам пишириб ейди, аммо узоқ тунда ҳамроҳ бўлинглар, дейман-да, қизим", деди қиссаси тортиб.

Онам айтганидек, биз ҳамроҳ эдик. Дастурхона битта пибелани ортиқча олиб келарди. Ўғлимнинг ўрни деб янги кўрпача тўшаб қўяр, уй тўрида ўғлининг тишланган нони билан чопони илиниб турарди. Ҳар тонг дарвоза зулфига оқ ипак боғлаб, тунда олиб қўярди. Тунлари дуо қилиб ўтирган момонинг ноласи қулғимга чалинарди: "Аллоҳим, бедарак кетган ёлғизимни омон

сақла, боши тошдан бўлсин. Болам тирик, биламан, умрим етганича йўлига зорман...". Момонинг ҳикоя қилишича, тўққиз боласини ерга бериб, ёлғизгинаси ҳам қайтмагач, ҳар юртдан етимхонага келтирилган гўдаклардан ўн нафарини боқиб олган экан.

Қўшни маҳалламиздаги Ҳалима ая умр йўлдоши Неъмат ака урушга кетганида ўн кунлик келинчақ экан. Кетар чоғда ховли ўртасида гуркираб турган урик дарактига битта миҳ қоқиб: "Насибам узилмаган бўлса қайтаман, агар қайтмасам, мендан нишона қолган бўлса, беланчагини мана шу миҳга илинлар". У жангоҳдан қайтмади. Уша қоқилган миҳга бугун тўрт авлод беланчақ илди. Тўқсон ёшида ҳам келинчақликдаги фиким румолини ёстиги тағида сақлаб, умр йўлдошини келса, салом бериб қутиб оламан, деган момо армонда кўз юмди. Ўртимизда бундай вафо тимсоллари юзлаб топилади.

Бошидан ўтмаганини қошидан ўтма, деган гап бор. Ранж-қуфат тортимаган, бошидан қийинчиликларни ўтказмаган одам бугунгидей тўққилик, тинч замоннинг қадрига етиши қийин. Бир пайтлар бир буюмча қадри бўлмаган, оч қолганда тупроқ ўт илдизини шимиб кетмон чопган, яқинидан қорахат келса, ер муштаб ўнсиз бўзлаган, адоғи йўқ дард, тугамас ҳасратларда яшаган оналаримиз бўлиб иккинчи ҳаётини яшамоқда.

Аёллар, оналар ўша даврларда иродали бўлиши, яшаш учун курашиши керак эди. Болалари қоринни туйдириш учун ерни мола қилаётган ҳўкиз ортидан юриб, кесак майдалаган, шולי, бурдой эккан, элга қўшилиб канал қазиб, ушоқдек жонининг минга бўлган.

Элимизнинг бу жасорати, инсонпарварлик фазилатлари ҳали-ҳамон шон-шараф мактаби, гурур-ифтихор манбаи бўлиб келмоқда. Вақт ўтгани сайин бу ўлмас қадриятларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ғалаба боғида ана шундай шонли тарих ўз ифодасини топган. Бу кутлуғ маскан Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабага катта хисса қўшган халқимизнинг жасоратини тараннун этишга, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга албатта хизмат қилади.

ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ ҚАТНАШЧИЛАРИ ВА НОГИРОНЛАРИГА БЕРИЛГАН БАЪЗИ ИМТИЁЗЛАР

ИМТИЁЗЛАР



Уй-жой коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 50 фоизи миқдорда ойлик компенсация пули тўланади.



Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича ойлик иш ҳақининг тўлиқ миқдоридан нафақалар тўланади.



Йилига бир марта Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон касасаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари санаторийларида ун икки кунлик соғломлаштириш курсидан текин ўтиш ҳуқуқига эга.



Ҳар йили санаторийларда соғломлаштириш курсини олиш ўрнига йўлланманинг ўртача қиймати га тенг миқдорда компенсация олиши мумкин.



Барча республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобига тиббий ёрдам кўрсатиладиган имтиёзли тоифадаги шахслар рўйхати га киритилади.



Хусусий тиббиёт муассасалари томонидан (стоматология ва косметология хизматларидан ташқари) бепул тиббий хизмат кўрсатилади.



Амбулаторияда даволанишда дори воситалари билан имтиёзли тазминланиш ҳуқуқига эга.



Ўрмондан маданий-маърифий, тарбиявий, соғломлаштириш, рекреацион ва эстетик мақсадларда бепул фойдаланади.

Шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга.



Чипта кассаларида навбатсиз чипта олиш ҳуқуқига эга.



РЕСПУБЛИКАНИНГ САНАТОРИЙ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МУАССАСАЛАРИГА БОРИШ ВА КЕЛИШДА ҲАР ЙИЛИ БИР МАРТА


Темир йўл транспортда бепул юриш.



Ҳаво транспортда юришда йўл ҳақи қийматининг 50 фоизи миқдорда чегириш тарзидаги имтиёзларга эга.



Мол-мулк ва ер солиғидан (даромад солиғидан қисман) озод этилади.



Мамлакатимизда ишлаб чиқарилган асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена воситалари, зарур кийим-кечак ва пойабзаллар билан бепул таъминланади.



Автомобиль бензини сотиб олиш учун ойлик пул компенсацияси олиш ҳуқуқига эга.

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

«Янги Ўзбекистон» газетаси учун масъул бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари Бахтиёр Абдусатторов

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "KOLORPAK" МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридagi Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 236. Буюртма — 1265.

42644 нусxada босилди. Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2. Баҳоси келишилган нархда.

"KOLORPAK" МЧЖ босмаҳонаси. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси, 8-уй. УЗА якуни — 23:50 Топшириди — 03:40 1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир: Хайриддин Мурод Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова

Босмаҳона телефони: (71) 230-27-76 Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй